Ушбу сонда:
2 ЁЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ зиммага катта масъулият юклайди
3 TV – ДАСТУРИ
4 СИЗ КУТГАН УЧРАШУВ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
GAZETA 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 23 май, жума № 80 (1505)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ВОДИЙГА САФАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 22 май куни жойларда иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, янги бунёд этилган иншоотлар билан танишиш мақсадида Андижон вилоятига ташриф буюрди.

Андижонда бошқа соҳалар қатори қурилиш, ободончилик ва халқ фаровонлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Хусусан, истиқлолнинг ўн иккинчи йилида бир қанча маданий-маиший ва спорт иншоотлари қуриб битказилди. Андижон шаҳридаги Олимпия заҳиралари коллежи ана шундай янги, лойиҳаси ва меъморий ечимига кўра бетакрор иншоотлардандир. Янги спорт коллежи 910 ўқувчига мўлжалланган бўлиб, қишки ва ёзги сузиш ҳавзалари, атлетика манежи, умуман, Олимпиада ўйинлари таркибига кирган барча спорт турлари бўйича машғулот майдонларига эга. Иншоот хорижнинг энг замонавий иситиш ва совутиш ускуналари билан таъминланган, бошқа қулайликларга эга.

Юртбошимиз вилоят бўйлаб сафарини ана шу иншоот билан танишишдан бошлади. Жаҳон андозалари даражасида юксак дид билан қурилган ва замонавий жиҳозланган спорт зали 5 минг квадрат метр майдонни эгаллаган. Бу ерда 25 турдаги спорт ўйинларини ўтказиш мумкин.

- Бу катта ва кўркам иншоот андижонликларга муборак бўлсин,- деди Президентимиз ёш спорт усталари билан мулоқоти чоғида. - Шундай иншоотни қуришга қурби, ақл-заковати етган халқнинг фарзандлари дунёнинг энг юксак спорт шоҳсупаларидан ўрин эгаллашга муносибдир.

Давлатимиз раҳбари вилоят марказидаги яна бир янги иншоот - 20 минг томошабинга мўлжалланган стадионни бориб кўрди. Бу йилги «Баркамол авлод» спорт ўйинлари худди шу масканда очилади. Президентимиз стадионнинг хориж андозаларига мос равишда барпо этилганини таъкидлар экан, спорт мусобақалари миллий қадриятларимизга мос ва хос равишда ўтказилишига алоҳида эътибор қаратиш муҳим эканлигини таъкидлади.

Мамлакатимиз Президенти Андижон пахтачилик мактабида ўзига хос тажрибага эга бўлган Асака туманидаги «Шарқ ҳақиқати» ширкат хўжалиги далаларида деҳқонлар билан суҳбатлашди. Мулоқот чоғида Юртбошимиз пахта уруғчилиги мактабини ривожлантириш, сара уруғ олишга эътибор қаратиш, яхши самара бераётган плёнка остида пахта етиштириш усулининг афзалликларини кенг тарғиб қилиш, оммалаштириш борасидаги ишларга алоҳида тўхтаб ўтди. Баҳорнинг серёғин келиши ниҳоллар ривожини кечиктирди. Эндиги асосий вазифа агротехника тадбирларини ўз вақтида сифатли ўтказиш билан бирга маҳаллий ўғитлар ёрдамида ишлов бериш муҳим омиллардан бири эканлигини уқтириб ўтди.

Юртбошимиз Фарғона вилоятининг Қува туманидаги М.Обидов номидаги ширкат хўжалиги меҳнаткашлари амалга ошираётган ишлар билан ҳам танишди. Мамлакатимиз раҳбари қишлоқ хўжалиги экинлари парваришида режа ортидан қувиш эмас, балки деҳқон манфаатдорлигини бош масала қилиб қўйди. Далада меҳнат қилаётган ҳар бир киши бугунги меҳнатининг эртанги самарасини ҳис қила билиши, унга ишониши керак, дея таъкидлади Президент. Жорий йилда 560 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган ширкат хўжалик пахтакорлари асосий майдонларга «АН-512» пахта нави қадаган. Соҳа мутахассисларининг фикрича, бу йил хўжалик 500 миллион сўмга яқин даромад олиши кўзда тутилмоқда.

Тумандаги Охунбобоев номидаги ширкат хўжалиги меҳнаткашлари билан суҳбат ҳам самимий руҳда ўтди. Унда Юртбошимиз шартнома шартларининг ижроси борасидаги ишларга тўхталди. Меҳнаткашлар манфаатдорлигини таъминлаш, уларнинг меҳнат қилишлари билан бирга дам олишлари билан боғлиқ шарт-шароитларни яратиб бериш муҳим вазифалардан бири эканини уқтирди. Қишлоқ хўжалиги тизимида меҳнат қилаётган ҳар бир деҳқоннинг дам олишини таъминлаш, уларнинг саломатлигини тиклаш ишлари долзарб вазифалардан бири эканлигига эътибор қаратди. Юртбошимиз пахта пайкалларида меҳнат қилаётган аёллар билан суҳбат чоғида оила суянчиғи бўлган аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун зарур шароитларни яратиб бериш масалаларига алоҳида урғу берди. «Аёл омон бўлса, оила омон, оила омон бўлса, жамият омон, жамият омон бўлса, давлат омон бўлади», деб таъкидлади.

Юртбошимиз Қирғули туманидаги «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида қурилаётган аммиак силитраси ишлаб чиқариш цехи лойиҳа кўламлари билан танишди. Ислом Каримов мутахассислар эътиборини ишлаб чиқариш тармоқларидаги хавфсизлик масалалари, маҳсулот сифати, ишчилар учун яратиладиган шароитлар борасидаги ишларга қаратди. Мазкур ишлаб чиқариш тармоғи водий вилоятларида минерал ўғит таъминоти муаммоларини ҳал этади. Бу ерда Чехиянинг «МБНС» фирмаси ишлаб чиқариш дастгоҳлари ўрнатилмоқда. Бу эса йилига 450 минг тонна силитра ва 360 минг тонна азот кислотаси ишлаб чиқариш имконини беради. Янги ишлаб чиқариш тармоғининг ишга тушиши туфайли 360 янги иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбари Фарғона вилоятидаги йирик ишлаб чиқариш корхоналари - «Автоойна» ва «Кварц» акциядорлик жамиятлари фаолияти билан ҳам танишди. Ишчи-хизматчилар ва мутахассислар билан суҳбатлашди.

Ғулом МИРЗО,
Расулжон КАМОЛОВ,
ЎзА мухбирлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг оддий аскарлар ва сержантлар таркибида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, жанговар тайёргарлик самарадорлиги ва қўшинларнинг жанговар шайлигини, ҳарбий хизматнинг нуфузини ошириш, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, шунингдек ҳар томонлама етук, Ватанга садоқатли ёшларни тарбиялаш, Қуролли Кучлар, махсус хизматлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини армия мактабини ўтаган мард ва ватанпарвар кадрлар билан тўлдириш, бунинг учун пухта тайёргарлик кўрган резерв барпо этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия, Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг 2003 йил 1 июлдан бошлаб оддий аскарлар ва сержантлар таркибида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг:

лавозим маошларини - икки баравар;

ҳарбий хизматдан бўшатилганда бериладиган нафақа миқдорини - энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз бараваригача ёки 20 бараварга ошириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг пул таъминотини ошириш билан боғлиқ харажатлар Молия вазирлигининг «Сафарбарлик чақируви резерви маблағлари» махсус ҳисоб рақамига тушаётган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (М.Нурмуродов) Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг асосланган ҳисоб-китобларига биноан 2003 йилда «Сафарбарлик чақируви резерви маблағлари» махсус ҳисоб рақамидан муддатли хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг таъминотини яхшилаш, уларни зарур анжомлар билан таъминлаш, қўшилмалар ва қисмларни спорт инвентарлари ҳамда тренажёрлар, замонавий компьютер техникаси, ўқув материаллари, кутубхона фонди билан жиҳозлаш учун 2,0 млрд. сўм йўналтирсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқаролар Қуролли Кучларни малакали кадрлар билан тўлдириш учун зарур бўлган техник ва бошқа мутахассисликлар бўйича республиканинг олий таълим муассасаларига ўқишга кираётганида уларга тест синовларида тўпланиши мумкин бўлган энг кўп баллнинг 20 фоизи миқдорида қўшимча имтиёз берилсин. Мазкур имтиёз ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномаси мавжуд бўлган тақдирда берилади.

Белгилаб қўйилсинки, мамлакат олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун ҳарбий қисмларнинг тавсияномалари жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликда юқори натижаларга эришган муддатли ҳарбий хизматчиларга қўшилмалар командирлари ҳамда уларга тенглаштирилган, ҳарбий хизматчини тавсифловчи маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгар бўлган мансабдор шахслар томонидан берилади.

Ҳарбий қисмлар қўмондонлиги тавсияномалари улар берилган кундан бошлаб уч йил мобайнида ҳақиқий ҳисобланади.

4. Мудофаа вазирлиги (Қ.Ғуломов) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (С.Ғуломов) билан биргаликда муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқароларга ўқишга киришда ушбу қарорнинг 3-бандида кўрсатилган имтиёзлар бериладиган таълим йўналишлари ва олий таълим муассасалари рўйхатини икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Белгилаб қўйилсинки, Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Давлат божхона қўмитасида контракт бўйича хизмат қиладиган ҳарбий хизматчилар, оддий аскарлар ва сержантлар таркиби энг аввало:

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган;

сафарбарлик чақируви резервидаги хизматда бўлган ва Махсус ҳисоб рақамига пул бадалини тўлиқ миқдорда тўлаган, бир ойлик ҳарбий йиғинларда қатнашган ҳамда ҳарбий ҳисобдаги ихтисосликка турдош мутахассисликка эга бўлган шахслар ҳисобидан тўлдирилади.

6. Адлия вазирлиги (А.Полвонзода) манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ушбу қарордан келиб чиққан ҳолда амалдаги норматив ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклиф тайёрласин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 22 май

ШИЖОАТ БЕШИГИ

Қонида мардлик, жасорат, Ватанга меҳру муҳаббат жўш урмаган инсон йўқ. Фақатгина бу туйғуларни шакллантириш, уйғотиш, жонлантириш зарур. Бу савобли ишга мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти баҳоли-қудрат ўз ҳиссасини қўшаяпти. Ташкилотнинг Сирдарё вилоят кенгашида бўлиб, бу борада амалга оширилаётган ишлар билан танишдик.

Шу йилнинг ўтган даврида бошланғич ташкилотлар сони 245 тага етди. 58109 нафар киши эса «Ватанпарвар» ташкилотига аъзо. Ташкилот фаолиятини жонлантириш, молиявий масалаларни ҳал этиш йўл-йўриқлари изланмоқда. Шаҳар, туман ва қишлоқларда янги иш ўринлари яратиш чора-тадбирлари кўрилаяпти. Ўтган фурсатда Янгиер шаҳри, Ш.Рашидов туманларида автомобилларга техник ҳизмат кўрсатиш, қатор маиший хизмат шохобчалари ишга туширилди. Мирзаобод туманида эса барча қулайликларга эга бўлган устахона иш бошлаш арафасида.

– Ташкилотимиз ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаб қолмасдан, ишлаб топилган даромадни ёшларни чиниқтиришга сарфлаб келаяпти, - дейди «Ватанпарвар» ташкилоти Сирдарё вилоят кенгаши раис ўринбосари Ҳамид Музаффаров. – Бир қатор спорт беллашувларини ўтказдик. Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл қоидалари бўйича деярли барча таълим даргоҳларида ўқувлар ташкил этилган.

«Ватанпарвар» ташкилоти нуфузи

Вояга етмаган ёшлар билан ишлаш фаолият негизи бўлиб қолаяпти. Турли жамоат ташкилотлари ва жамғармалар билан алоқа боғланиб, ёшлар ҳақ-ҳуқуқи ва уларни комига тортиб кетиш эҳтимоли бўлган иллатлар олди олинмоқда. Чунончи, шу йил бошларида Сайхунобод туманидаги 11-, 26-мактабларда ота-оналар ва ўқувчи ёшлар иштирокида «Оила бахти», «Спортчи оила» мавзуида тадбирлар ўтказилди. 1-, 35-мактаб ўқувчилари ўртасида «Аскар йигитлик мактаби» ҳарбий кўпкураш спорт турлари бўйича беллашувлар ташкил этилди.

Гулистон туман кенгаши ташаббуси билан мактаб ўқувчилари ўртасида «Шунқорлар» ҳарбий спорт мусобақаси ташкил этилди. Беллашувда 8-мактабнинг юздан зиёд ўқувчилари қатнашдилар. Сирдарё, Ш.Рашидов туманлари, Гулистон шаҳрида ҳам ёшларнинг спорт мусобақалари ташкил этилаётир. Шунингдек, тарбияси оғир болалар билан ишлаш ҳам назардан четда қолмаяпти.

Жазони ижро этиш жойларидан озод бўлган ёки махсус ўқув тарбия муассасаларидан қайтган вояга етмаганларни турар-жой ва иш билан таъминлашга, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга аҳамият берилаяпти. Бир мисол. Янгиер шаҳрида яшовчи 1987 йилда туғилган Сергей Куршантов жазони ижро этиш масканидан озод этилгач, ташкилот ёрдамини ҳис этди. Айни чоғда унга шаҳардаги 14-мактабнинг 8-синфида ўқишни давом эттириш учун имконият яратиб берилди.

Боёвут туманида вояга етмаган ёшлар сони 37300 нафарни ташкил этади. Уларнинг 40 нафари жиноят содир этганлиги сабабли ҳисобда туради. Бу ёшларни тўғри йўлга бошлаш, ҳуқуқбузарликни такрорламаслиги учун улар яшайдиган маҳалла фаоллари ҳамда ота-оналари билан суҳбатлар уюштирилди.

Мирзаободда яхши бир анъана қарор топди. Туман вояга етмаган ёшлар билан ишлаш комиссияси, «Ватанпарвар»нинг туман кенгаши, мудофаа, халқ таълими, соғлиқни сақлаш бўлимлари ҳамкорликда «Ўсмирларни ҳарбий хизматга чақириш, кадрлар тайёрлаш борасида амалга оширилиши долзарб бўлган чора-тадбирлар» дастури ишлаб чиқилган. Унга кўра умумтаълим мактабларида олиб борилаётган фуқаролик муҳофазаси ва ҳарбий таълим дарсларининг юқори савияда ўтказилиши, қўшимча равишда махсус тадбирлар ўтказиш ишлари таъминланди. Туман ҳокимлиги эса иқтидорли ўқувчиларга ҳокимлик стипендияси таъсис этди. Туман ҳокимининг қарори билан юқори билимга эга деб топилган ёшлар ҳар ойда рағбатлантирилиб борилаяпти.

Ташкилот қошидаги қуролли кучларга ҳайдовчилар тайёрлаш мактабига 2002-2003 ўқув йили биринчи чорагида 55 нафар ёшлар ўқувга жалб этилган. Улар нафақат техника бошқариш, балки турли спорт турларини мукаммал эгаллаш имконига ҳам эга бўлишган. Ўтган уч ойда ўндан зиёд турли спорт турлари бўйича синовларни аъло даражада бажаришди.

– Туманимизда йил бошидан бери 60 нафар ёш ҳаракат хавфсизлиги қоидалари билан пухта танишган бўлса, 160 нафар ёш ҳайдовчи 30 соатдан йўл ҳаракати қоидалари бўйича қайта ўқитилди, - дейди Гулистон туман «Ватанпарвар» кенгаши раиси Баҳодир Ҳазратқулов. – Шунингдек, турли спорт мусобақалари, соғломлаштиришга хизмат қилувчи беллашувлар ташкил этаяпмиз.

Хуллас, «Ватанпарвар» ташкилотининг нуфузи кундан-кун ортиб бормоқда. Мақсад соғлом ва баркамол авлод тарбиялашдек хайрли ишларни янада яхшилашдир.

Н.ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири

САМАРҚАНДДА КИТОБ ТАҚДИМОТИ

Самарқанд давлат университетида Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётшунос олим Озод Шарафиддиновнинг «Президент - мустақиллик меъмори» китоби тақдимоти бўлди. Унда олимнинг ўзи ҳам иштирок этди.

Китобда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ўзбек халқи ва Ўзбекистон тарихида туб бурилиш ясаган мамлакат мустақиллигини қўлга киритиш ва уни мустаҳкамлашдек мураккаб ва шарафли жараёндаги улкан фаолияти ҳақида ҳаётий мисоллар асосида юксак шавқ ва эҳтирос билан ҳикоя қилинади.

Тадбирда сўзга чиққан университет профессор-ўқитувчилари ва талабалар мазкур китобнинг ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш, баркамол ёш авлодни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялашдаги беқиёс аҳамияти хусусида сўз юритди.

(ЎзА)

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

ҒАЛАТИ ЕЧИМ

ёхуд Олий хўжалик суди қарорининг бажарилиши нега пайсалга солинаётир?

Шўрчи туманидаги У.Дониёров номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Ҳасан Қорақуловнинг баъзи ишларига тушуниш қийин. Олий хўжалик суди Хўшбоқ Бобонов номли фермер хўжалиги бошлиғи Турсуной Бобохонованинг қонуний талабини ҳимоя қилиб чиққан бўлса-да, негадир унинг ижроси пайсалга солинаётир.

Шўрчи туман ҳокимлигига кириб, бу ҳақда сўраганимизда, у ердагилар ҳайрон қолишди.

- Фермер Бобохонова У.Дониёров номли хўжаликдан 20 гектар ер сўраб, уни ололмагач, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Республика Олий хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат этганидан хабаримиз бор. Бу масала аллақачон ўз ечимини топган. Қолаверса, туман суд ижрочиларининг 2003 йил 22 март санаси билан саккиз кишидан иборат «далолатнома»си бор. Нега у юқори ташкилотларга мурожаат қилди экан...

Масаланинг моҳияти шундаки, тадбиркорликни орзу қилган Турсуной Бобохонова туман ҳокимининг 1997 йил 21 май 245-сонли қарори билан Хўшбоқ Бобонов номли фермер хўжалигини ташкил этди. Хўжаликдан 50 бош қорамол олиб, иш юрита бошлади. Барака топгур, ширкат хўжалиги раиси эса тадбиркорни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ўрнига негадир унга бор-йўғи 3 гектар ер ажратди, холос. Ҳамма синоат шунда.

Чорва эса йилдан йилга ривожланиб борди. 3 гектар ерда озуқа етиштириб, молларни тўйдиришни ўйлаб кўринг. Қорамол дегани «Топ, ейман. Кейин суту гўшт бераман» дейди. Шу ўй-хаёллар Турсунойни ташвишлантириб қўйганди.

У аввал олган 3 гектар ернинг шундоқ биқинидан яна 20 гектар ер ажратиб беришларини сўраб, ўзи яшаб келаётган У.Дониёров номли ширкат хўжалиги собиқ раиси Омон Бозоровга мурожаат қилди. Раис «йўқ» демади. Бу ҳақда (ер ажратиш тўғрисида) 2002 йил 19 июнда қарор чиқарди. Фермер хурсандлигидан ўзини қўярга жой тополмасди. Хаёлида ярмига пахта, ярмига озуқабоп экин экишни хомчўт қилди.

Шодлик бир келса қўша келади. Туман ер ресурслари хизмати бўлими бошлиғи М.Ашуров тадбиркорнинг 20 гектарлик ер чизмасини муҳрлаб, тақдим этди. Шундай қонуний ҳужжатларга эга бўлади-ю, суюнмайдими? Лекин Турсуной эрта суюнган экан. Барчаси қоғозда қолди. Аммо Бобохонова ҳам анойилардан эмасди. Барча ҳужжатларни олди-да, тўғри вилоят хўжалик судига даъво аризаси йўллади. Суд ишни адолатли ҳал қилди. Иш белгиланган тартибда республика Олий хўжалик судида ҳам кўриб чиқилди. Қарор ўша-ўшалигича қолди.

Фермер ҳақ...

Хуллас, Сурхондарё вилояти хўжалик суди ижро варақасини суд ижрочиларига тақдим этди. Улар бир гуруҳ вакиллар иштирокида 20 гектар ерни Хўшбоқ Бобонов номли фермер хўжалиги раҳбарига ўлчаб беришди.

Шу билан хайрли ишларга бел боғлаган фидокорнинг ишлари юришиб кетди, деб ўйларсиз? Қаёқда! Шўрлик, ерга эгалик қилай, деса баъзи пудратчилар унинг кўзини очиришмайди. Бу ёқда экин экиш мавсуми ўтиб бораяпти. Роса боши қотди. Янги раис эса қўлини белига қўйиб, «Тадбиркорсан, кучингни кўрсат» қабилида иш кўрди.

Турсуной нажот истаб бош урмаган жойи қолмади. Ниҳоят туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Ж.Маматмўминов У.Дониёров номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Ҳасан Қорақуловга қуйидаги мазмундаги хатни йўллади; «Шўрчи туман ҳокимлиги, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси Сиздан У.Дониёров номли ширкат хўжалигида фаолият кўрсатаётган Хўшбоқ Бобонов номли фермер хўжалигига 20 гектар пахта майдонини ўтказиб беришингизни сўрайди».

Бироқ, таажжубки, раис пинагини бузмади. Шу топда Гулсара Мардонова, Анор Жумаевлар оилавий ижарага ер сўраб раис ҳузурига киришди. Раисбобо ҳеч иккиланмай Турсуной Бобохоновага тегишли бўлган ерни икки оилавий пудратчига улашди. Тадбиркор яна ҳайрон бўлиб қолаверди.

Турсуной чамалаб кўрди. Қорамоллари 115 бошга кўпайибди. Ҳадемай Боботоғдан чорва қайтади. Ёз бор, орқасидан куз келади. Сўнг қиличини кўтариб қиш эшик қоқади. Бор-йўғи 3 гектар ер билан шунча бош молни тўйдириб бўладими? Билмадик, тумандаги мутасаддилар бу сансалорликка қачон нуқта қўйишаркин?

Тўлқин ЖАЛИЛОВ,
«Ишонч» мухбири

ОРОМГОҲЛАР МАВСУМГА ШАЙМИ?

Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий мажмуида Болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича республика комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда мутасадди вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ва ҳудудий касаба уюшмалари кенгашлари, республика тармоқ касаба уюшмалари марказий қўмиталари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов бошқарган мажлисда юртимизда ҳар йили болаларнинг ёзги дам олиш мавсумига пухта тайёргарлик кўрилаётгани алоҳида таъкидланди.

2002 йилда болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш якунлари ҳамда бу йилги мавсумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга оид масалалар атрофлича муҳокама этилди. Жумладан, Оролбўйи минтақаси - Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг серфарзанд, кам таъминланган оилаларидан 4 минг нафар ўғил-қизни юртимизнинг энг сўлим ва хушманзара оромгоҳларида бепул соғломлаштириш ва дам олдириш режалаштирилган.

Мажлисда оромгоҳларни сув ва телефон алоқаси билан сифатли таъминлаш, йўлларни таъмирлаш, тарбиячилар танлашга алоҳида эътиборни қаратиш зарурлиги қайд этилди. Барча турдаги оромгоҳларни мавсумга талаб даражасида тайёрлаш, уларда тиббий, маданий-маърифий ва таълим-тарбиявий ишларни амалга ошириш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Болаларни ёзги соғломлаштириш ва ҳордиқ чиқариш мавсумини юксак савияда ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларига аниқ кўрсатма ва топшириқлар берилди.

(ЎзА)



ТАЪТИЛ МАЗМУНЛИ ЎТАДИ

Мамлакатимизда мактаб ўқувчиларининг ёзги таътилини мазмунли ўтказишга қизғин ҳозирлик кўриляпти.

Республика болалар бадиий ижодиёти маркази ва унинг жойлардаги бўлимларида миллий ҳунармандчилигимизнинг рассомлик, ҳайкалтарошлик, кандакорлик, заргарлик, ёғоч ўймакорлиги каби соҳалари сир-асрорларини ўрганувчилар сафи таътил вақтида янада ортади. Ёш ҳунармандлар асарлари кўргазмалари ташкил этилади.

Айтиш жоизки, марказ тўгаракларида таълим олаётган болалар асарлари жаҳоннинг турли мамлакатларида ўтказилаётган халқаро танловларда юқори баҳоланаётир. Улардан қирқ нафари махсус мукофот ва совринларга сазовор бўлгани бунинг яққол далилидир.

Тараддуд

ЁЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ

зиммага катта масъулият юклайди

Саноқли кунлардан сўнг республикамизнинг энг сўлим гўшаларида жойлашган оромгоҳлар гавжумлашиб, болаларнинг шўх-шодон овозлари эшитилади. Айни кунларда соғломлаштириш мавсумини кўнгилдагидек ўтказиш учун жойлардаги касаба уюшма ташкилотлари ҳамда хўжалик раҳбарлари барча имкониятни ишга солишмоқда. Табиийки, ўтган йилги тажрибалардан унумли фойдаланиб, муаммолардан тўғри хулоса чиқариб олган ҳолда ишни ташкил этиш ғоятда муҳим.

2002 йил болалар ёзги соғломлаштириш мавсумида 741 та болалар оромгоҳи фаолият кўрсатди. 279 минг 738 нафар болалар соғломлаштирилиб, белгиланган режа 103,6 фоизга бажарилди.

Таъкидлаш жоиз, кейинги вақтларда ҳукуматимиз ва Президентимиз Ислом Каримов томонидан Оролбўйи минтақасида яшовчи болаларни Тошкент, Самарқанд вилоятларида, Фарғона водийсида соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўз навбатида бу яхши удумга айланиб қолди. Шу боисдан ўтган йили 7 минг нафардан зиёд Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятидан келган ўғил-қизлар сўлим оромгоҳларда мириқиб ҳордиқ чиқаришди.

Умуман болаларни соғломлаштириш учун касаба уюшмалари ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан 2 миллиард 698 миллион сўм сарфланди. Бу ўринда ҳокимиятлар, вазирликлар ҳамда идораларнинг, шу жумладан, «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси, «Ўзбекэнерго» акционерлик жамияти, Ўзбекистон ички ишлар вазирлиги ҳамда «Соғлом авлод учун», «Экосан», «Камолот» жамғармаларининг бу ишга қўшган ҳиссаларини ҳам мамнуният ила таъкидлаб ўтиш керак.

Тўғри, амалга оширилган ижобий ишлар ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. Лекин шу ўринда масъулиятли мавсумни янада намуналироқ ўтказиш учун ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар, жорий йилдаги долзарб масалаларга алоҳида тўхталиб ўтсак. Ўтган йили бу борадаги режа республика бўйича бажарилган бўлсада, лекин Қорақалпоғистон Республикаси (95,2 фоиз) ҳамда Жиззах вилоятида (98,2 фоиз) бу тадбир тўлақонли амалга оширилмади. Яна бир муаммо. Бу ҳам бўлса, айрим сабабларга кўра оромгоҳлар сонининг камайиб кетаётганлигидир. Тўғри, бунинг ўзига хос сабаблари бор. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам бунинг олдини олишимиз зарур. Рақамларга мурожаат этайлик. 2002 йилда республикамиз бўйича оромгоҳлар сони 18 тага камайди. Мана шу ўринда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгашлари ҳамда ҳокимликлар, тегишли ташкилотлар мазкур масалага жиддий ёндошишлари зарур. Ўтган йили Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг дастуриламал бўлиб хизмат қилган ҳужжатларида мавсумни ҳар томонлама кўнгилдагидек ўтказиш учун болалар оромгоҳларига турли имтиёзлар берилганди. Шунга қарамай Қорақалпоғистон Республикасида фақат озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган имтиёздан фойдаланилди холос. Айрим вилоятларда эса табиий газдан фойдаланиш учун тўла миқдорда ҳақ тўлаш талаб этилди. Тошкент вилоятининг «Сойлиқ», «Ғунча», «Тонг» каби оромгоҳларида ҳам коммунал хизмат, газ, ичимлик суви учун берилган имтиёзлар қоғозда қолиб кетди...

Айрим жойларда оромгоҳларни тажрибали, ўз соҳасининг етук мутахассислари бўлган педагог ҳамда тиббий ходимлар билан бутлаш масаласига ҳам етарли даражада аҳамият қаратилмади. Озиқ-овқат таъминоти масаласида узилишлар бўлиб турди. Масалан, Бухоро вилоятидаги «Мовий гулхан» масканида сут маҳсулотлари, «Ёш қурувчи» оромгоҳида эса ҳўл мева ва сабзавот маҳсулотлари, Тошкент шаҳрининг «Бурчмулла», Андижон вилоятининг Ғафур Ғулом номли, Самарқанд вилоятининг «Юлдузча» ҳамда «Дўстлик» оромгоҳларида идиш-товоқларнинг етишмаслиги ҳолати учради.

Болалар оромгоҳларини дори-дармон ҳамда тиббий жиҳозлар билан таъминлаш масаласи ҳам ғоятда долзарбдир. Сурхондарё вилоятидаги «Беш булоқ», Андижон вилоятидаги Ж.Норматов номли, «Мингбулоқ», Тошкент вилоятидаги «Наргиз» оромгоҳларида бу борада қатор камчиликка йўл қўйилди. Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, ёзги болалар оромгоҳларида тарбиявий-маърифий ишларни талаб даражасига етказиш лозим. Бунинг учун «Маънавият ва маърифат» хоналарини безатиш, кутубхоналардаги китоб жамғармасини ҳам сифат, ҳам сон жиҳатидан ошириш зарур.

2002 йилги болалар оромгоҳларида амалга оширилган ишлар ҳамда келгусида ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгашларида, тармоқ Марказий қўмиталарининг раёсат йиғилишларида атрофлича муҳокама этилди.

Жорий йилда мамлакатимизда 240 минг нафар фарзандларимизни соғломлаштириш мўлжалланган. Шу жумладан, уларнинг 4 минг нафари Оролбўйидан келадиган болалардир. Маълумки, келажагимиз бўлган ўғил-қизларимиз ёз ойларида мириқиб дам олишларини таъминлаш умумдавлат аҳамиятига молик вазифадир. Мавсумга пухта тайёргарлик кўриш ҳамда уни уюшқоқлик билан ўтказиш даврида барча вазирликлар, идоралар ҳамда ҳокимликлар, касаба уюшмалари биринчи навбатда оромгоҳлар сонини сақлаб қолишга ҳамда уларни тўла қувват билан ишлатишга алоҳида эътибор қаратишлари зарур. Жорий йилнинг апрел-май ойларида айрим ҳудудларда ёғингарчилик кўп бўлди. Айнан шу жойларда 55 та болалар оромгоҳлари жойлашган. Шу боисдан уларнинг очилишини фақатгина Давлат кузатиш хизмати идораларининг рухсати билан амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Бозор шароитини ҳисобга олиб, республика коммунал-маиший хизмат кўрсатиш агентлиги, «Ўзавторанс» давлат ҳиссадорлик коорпорацияси, «Тошшаҳарйўловчитранс» ва бошқа бу ишга дахлдор ташкилотлар болалар оромгоҳларига имтиёзли хизмат кўрсатсалар айни муддао бўларди. Шу билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари оромгоҳларни озиқ-овқат маҳсулотлари, сабзавот билан таъминлашни кўнгилдагидек йўлга қўйишлари, маҳсулотларни сертификатлар асосида тарқатишлари ғоятда муҳимдир.

Озода МУҲИТДИНОВА,
Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича республика доимий комиссияси раисининг ўринбосари

БОЛАЛАР ЁЛҒИЗ ЭМАСЛАР

дейди мактаб-интернат директори Ольга Хван

Мамлакатимизда кам таъминланган оилалар ва етим болаларга алоҳида ғамхўрликлар қилиб келиняпти. 1995 йили Пахтакор тумани марказида мактаб-интернат ташкил этилди. Унда айни пайтда 447 нафар кам таъминланган оила болалари, етим болалар, кўп болали оила фарзандлари таълим-тарбия олишади. Уларга 32 нафар ўқитувчи, 20 нафар тарбиячи қарашади. Интернат ихтиёрида ётоқхона, ошхона, ёпиқ спорт зали бўлиб, барча қулайликларга эга.

Бор бўл, меҳру оқибат!

Бу масканда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати хонаси, маънавият ва маърифат хонаси ҳамда ўнлаб тўгараклар фаолият кўрсатмоқда. Инглиз тили, биология, химия фанлари чуқур ўргатиляпти. Интернатнинг юқори синф ўқувчилари Феруз Саидов, Жавоҳир Ашуров, Рушана Ниёзхўжаевалар «Томчи сувда ҳаёт жилваси» республика иншолар танловида қатнашишди.

– Болаларимиз ёлғиз эмаслар. Барча ташкилот, муассасалар ҳомийлик қилишмоқда, – дейди интернат директори Ольга Хван. – Туман ҳокимлиги 900 минг сўмлик кийим-кечак олиб берди. Байрам тадбирлари учун ҳар йили ҳомийлар томонидан 1 миллион сўм маблағ ажратилади.

Саховатли инсонларга раҳмат. Шу кунларда республикамизда «Сен ёлғиз эмассан» хайрия марафони ўтказилмоқда. Мактаб-интернат ҳам ана шу марафон саховатидан бебаҳра қолаётгани йўқ. «Соғлом авлод», жамғармаси ва «Қизил ярим ой жамияти», туман ички ишлар бўлими, «Пахтабанк»нинг туман бўлими ҳамда касаба уюшмалари кўрсатаётган ёрдамдан интернат жамоаси беҳад мамнун. Яқинда вилоят болалар спортини ривожлантириш жамғармаси 200 минг сўмлик спорт анжомлари ҳадя этди.

– Ўқитувчи ва тарбиячилар учун интернат иккинчи уйга айланган, – дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Баҳодир Ражабов. – 87 нафар касаба уюшма аъзоси бор. Уларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида аниқ тадбирлар амалга ошириляпти. Шу йилнинг ўтган ойларида шу мақсад учун 100 минг сўм маблағ ажратилди. Бир кишига сиҳатгоҳга имтиёзли йўлланма берилди.

Интернатда «Хумо» бадиий ҳаваскорлик ансамбли ташкил этилган. Улар туман, вилоят миқёсида ўтказилаётган тадбирларда фаол иштирок этишаяпти.

Б.НОРҚУЛОВ,
«Ишонч» мухбири

Суратларда: саховатпеша инсонлар мактаб-интернат ўқитувчилари даврасида; «Хумо» бадиий ҳаваскорлик ансамбли қатнашчилари.

Журналист суриштируви

ТАЛОН-ТАРОЖНИНГ ҲОМИЙСИ КИМ?

Тойлоқ туманидаги «Элипок» ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи бир гуруҳ фуқаролардан таҳририятга келган шикоят хатида шундай жумлалар бор: «... ҳукуматимиз ёшларни ҳамиша қўллаб-қувватлаётганлиги, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар қишлоқлардаги оилалар орзусининг ушалишига йўл очди. Шундай бўлсада, ширкатимиз раҳбарлари бу ўта муҳим ижтимоий масалага етарли эътибор беришмаяпти. Икки-уч нафар фарзандли бўлиб, ҳамон ота-онамиз ҳовлисида яшаб келаяпмиз, уй қуриб олиш учун ер сўраб ариза берганимизга ҳам уч йилдан ошди. Лекин ундан дарак йўқ, баъзи раҳбарларнинг ўзлари давлат тасарруфидаги ерларни пинҳона талон-тарож қилишмоқда...».

Туман ҳокимлигининг тавсияси билан бизга ҳамроҳлик қилган туман ер ресурсларидан фойдаланиш бош инспектори Искандар Холиқов хатни ҳали ўқимаёқ унинг мазмунини айтиб, у бир неча ташкилотлар томонидан кўриб чиқилганини, жумладан, прокуратура ҳам текшириб, далиллар ўз исботини топмаганлигини ва бу хусусда ариза муаллифларига жавоб берилганлигини таъкидлади. Дарвоқе, И.Холиқов «Элипок» ширкат хўжалигида ўн йил ер ресурслари бошлиғи бўлиб ишлаган. Демак, хўжаликдаги барча юмушлардан озми-кўп хабари бўлишига шубҳа йўқ.

Бизгача бўлган текширишлар натижасига кейинроқ алоҳида тўхталамиз.

«Элипок» ширкати томон отланарканмиз, Юртбошимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган нутқидаги ушбу сатрлар ёдга келди: «– одамлар... адолатсизликка чидай олмайди...».

Хатда келтирилган далилларни ўрганиш жараёнида шу нарса аён бўлдики, аввало, ҳукуматимизнинг «Ер тўғрисида»ги ва «Деҳқон-фермерлар тўғрисида»ги қонунлари талаби ширкатда қўпол равишда бузилган. Фермерларга деҳқончилик қилиш учун ажратилган экин майдонларини ўз эгаларига ажратишда жиддий камчиликларга йўл қўйилиб, давлат ҳисобидан «ҳотамтойлик» қилинган. Масалан, таҳририятга шикоят-ариза йўллаган хат муаллифларидан бири – Баҳромбой Очиловга ажратилган 2,70 сотих ер уч гектардан ошиқни ташкил этади.

Ёки ширкат бошқаруви раиси Ж.Донабоев кимошди савдоси орқали икки бор 6 сотихдан яъни 12 сотих участкани сотиб олган. Бу ерда бўлган ҳар қандай киши ана шу жой 12 сотих эмас, балки камида 26 сотих эканлигини кўриб, бундай кўзбўямачиликнинг ҳомийси ким бўлди экан, дейиши турган гап.

Экин майдонларини ноқонуний ўзлаштиришда хўжаликнинг собиқ раиси Т.Усмонов ҳам ҳозирги раҳбарлардан ўтса-ўтганки, улардан қолишмасликка интилганини мана бу далилдан кўриш мумкин. Ўзи раҳбар бўлиб ишлаб турган даврда иккита участка олгани камлик қилган шекилли, жорий йилнинг март ойида участкаси ёнидан ҳеч бир ҳужжатсиз, рухсатсиз яна 12 сотих ерни эгаллаб олди.

Ерни талон-тарож қилишдаги бундай кўзбўямачиликлар наҳотки ҳеч кимни ташвишлантирмаган бўлса, деган ҳақли савол туғилади. Текширишлар самарали бўлганда эди...

Ваҳоланки, жорий йилнинг март ойида ерлар ноқонуний ўзлаштирилаётганлиги хусусида шу хўжаликнинг Галаботир қишлоғидан туман ҳокимлигига ариза тушганди. Шунда туман назорат инспекцияси бошлиғи И.Турсунов бошчилигида махсус гуруҳ тузилиб, жойида ўрганилганда 27 нафар кишига экин майдонлари ноқонуний ажратилганлиги ёки Алининг номига ер-участкаси олиниб, Валига «ҳадя» этилганлиги ўз тасдиғини топган. Шундай бўлса-да, текширув натижаларига кўра, қонунбузарликка йўл қўйган айбдорларга на чора кўрилган, на ерлар давлат тасарруфига қайтарилган.

Шу ўринда бир фикр туғилади: хўжалик ёхуд туман тасарруфида ҳал этилиши лозим бўлган масалалар нега ўша жойнинг ўзида ечим топмасдан юқори ташкилотларга – республикага йўналтирилаяпти. Ширкат раҳбари Ж.Донабоев ва туман ер ресурсларидан фойдаланиш бош инспектори И.Холиқовлар буни шундай изоҳлашди: – хат муаллифларининг ўзлари «ёзувчи». Кўп жойдан келиб текширишди... сизнинг ҳам қўлингиздан ҳеч нарса келмайди...

Дарвоқе, таҳририят аралашувидан олдинги текширишлардан бирига алоҳида тўхталишни лозим топдик. Зеро, хат ортида инсон тақдири турса-да, унга айрим ташкилотларнинг бепарво, беписанд қараши оворагарчиликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаяпти.

Ушбу шикоят-ариза муаллифлари ер ноқонуний тарқатилаётгани хусусида Самарқанд вилоят прокуратурасига ҳам ёзишган. Ўз навбатида у ердагилар аризани туман прокуратурасига юбориб, бир ой муддатда натижаси ҳақида ёзма маълумот беришни сўрашган.

Қаранг, туман прокуратурасидагилар эса хатни ер ресурсларидан фойдаланиш бош инспектори – яъни ушбу шикоятда исми шарифи зикр этилган Искандар Холиқовнинг ўзига йўллашади. Ўзи устидан ёзилган ва келтирилган далилларни ким ҳам тўғри, дея ошкор этарди. Худди шундай бўлди ҳам. И.Холиқов «тегишли ҳужжатлар»ни тайёрлаб, «хатдаги фактлар ўз исботини топмади» мазмунида мутасадди ташкилотларга ёлғон жавоб йўллаши кўплаб кишиларнинг сарсон бўлиши қаторида ширкатдагиларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлди.

Ширкатда ноқонуний ишларнинг илдиз отишига асосий сабаб – раҳбарларнинг қўнимсизлиги, касаба уюшма фаолиятининг ўта сустлигидир. Масалан, бу ерда кейинги уч йилда учта раҳбар алмашган. Бир ярим йилдирки касаба уюшма қўмитаси раиси ҳамон «вазифасини бажарувчи» бўлиб юрибди. Нега, деб сўралганда у киши ўзини таништиришни ҳам эп кўрмай, жуфтакни ростлаб қолди.

Қаерда ўзаро талабчанлик бўлмаса, меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси бўлмиш касаба уюшмалари муросасозлик йўлини тутса, ғирром ишларга йўл очилади. Охир-оқибат адолатсизлик юзага келиб одамлар юқори идора ва ташкилотларга мурожаат қилишга мажбур бўладилар. Зеро, «Элипок» хўжалигидаги ҳайратомуз воқеалар бунинг исботидир.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
«Ишонч» мухбири

«НУРБУЛОҚ» - ШИФОБАХШ СУВ

Ўтган йили «Навоийполиграфсервис» корхонасида «Нурбулоқ» газли сув ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. Бугунги кунда унинг довруғи вилоятдан ташқарига ҳам кенг ёйилди. Булоқ суви таркибида инсон саломатлиги учун зарур бўлган ўн уч хил маъданли модда мавжуд. Корхонада кунига ўн минг дона 1-1,5 литрлик пластмасса идишларга қуйилган чанқовбосди ичимлик суви тайёрланмоқда.

Корхона маҳсулотлари Учқудуқ, Томди, Нурота, Конимех тумани, Зарафшон ва Навоий шаҳарларига етказиб берилмоқда.

«RASH-MILK» - ХУСУСИЙ ЗАВОД

Шаҳрихонлик тадбиркор Раҳмиддин Мирзаев «Бўстон» ширкат хўжалигида сутни қайта ишлайдиган завод қурди.

Янги «RASH-MILK» заводида бир кеча-кундузда 30 тонна сут қайта ишланиб, сут уни, сариёғ, қаймоқ ва пишлоқ ишлаб чиқарилмоқда. «Шахполан» Ўзбекистон-Польша қўшма корхонаси, Қарши шаҳридаги «Шоҳонасут» ҳиссадорлик жамияти ва «Таборак» кўп тармоқли хусусий савдо ишлаб чиқариш корхоналари заводга замонавий технология етказиб берди. Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар сифати, таъми, кўриниши, арзонлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда.

Айни кунда заводда 35 нафар йигит-қиз меҳнат қиляпти. Хомашёнинг асосий қисми тумандаги фермер хўжаликлари ва аҳолидан келишилган нархда сотиб олинмоқда.

- Яқин кунларда иш ўринлари сони олтмиштага кўпаяди, - дейди Р.Мирзаев. - Майонез, йогурт, маргарин сингари маҳсулотлар тайёрлашни бошламоқчимиз. Фарғона водийсидаги йирик шаҳарларда ўз фирма дўконларимизни очиш тараддудини кўряпмиз.

ЯНГИ ВРАЧЛИК ПУНКТИ

Қўшработ туманининг олис Қўштамғали қишлоғида врачлик пункти иш бошлади.

- Бинони қуриб жиҳозлашга етмиш миллион сўмдан зиёдроқ маблағ сарфланди, - дейди муассаса бош шифокори Жўрақул Мирзонов. - Шифохона яқин атрофдаги беш қишлоқда истиқомат қилувчи беш мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатади. Замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган терапия, хирургия ва стоматология бўлимлари илк беморларни қабул қилди.

(ЎзА)

TV дастури

26 май — 1 июн

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 26

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

Телетомошабинлар диққатига! «Ўзбекистон» телеканали душанба, 26 май куни ўз кўрсатувларини соат 15.00 дан бошлайди.

15.00 «Таҳлилнома».
15.45 Ўзбекистон телерадиокомпанияси халқ чолғу оркестрининг концерти.
16.05 «Камила». Телесериал.
16.35 ТВ-анонс.
«Болалар сайёраси»:
16.40 1. «Улғайиш поғоналари».
2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
17.40 «Қалб гавҳари».
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Асрлар садоси».
18.40 «Таянч нуқтаси».
18.55 Репортаж.
19.00 Бир жуфт қўшиқ.
19.10 «Мулкдор».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 2003 йил - Обод маҳалла йили. «Кўпчилик қаторида».
21.25 ТВ клип.
21.35 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Қиш сонатаси». Телесериал.
22.45 «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари якунларига доир.
23.05 «Япония турмуш тарзи». Ҳужжатли телесериал премьераси.
23.25 «Ахборот-дайжест».
23.45-23.50 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

9.55 Кўрсатувлар дастури.
10.00 Давр тонги.
11.00 «Давр»-news.
11.20 ТВ-анонс.
11.25 Саломатлик сирлари.
11.45 «Янги авлод» студияси: Уй вазифаси, Катта танаффус, Мультфильм.
12.45 Болалар экрани: «Бембининг болалиги».
14.00 Жаҳон жуғрофияси.
14.50 «Сарчашма». Телефильм.
15.00 «Давр» ҳафта ичида.
15.30 Минг бир ривоят.
15.35 Менинг маҳаллам.
15.55 Спорт ҳафтаномаси.
16.10 «Қадимги шўхликлар». Бадиий фильм.
17.20 ТВ-анонс.
17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 «Янги авлод» студияси: Кичкинтой экрани.
17.45 «Мульттомоша».
18.00 Йигит омон бўлса.
18.15 «Японияниг боқий маданияти». Илмий-оммабоп сериал 9-қисм.
18.35 Тафаккур ёлкинлари.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.55 Ёшлар овози.
20.15 «Меҳр кўзда». Мактубларга шарҳ.
20.35 Ватан ҳақида қўшиқ.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол. Танаффус пайтида-.
24.00 Давр.
1.00-1.05 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 TTVда сериал. «Муҳаббат риштаси».
17.55, 19.10, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 Болажонлар экрани.
18.30, 20.00, 21.10, 22.10 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Халқ саломатлиги йўлида».
19.30 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.45 «Avto-news».
20.25 TTVда сериал. «Мафтункор аёл».
21.30 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
22.35 Кинонигоҳ. «Рицар шамшири».
23.55-24.00 Хайрли тун, шаҳрим.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал. 6.30-8.00
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.50 «Томас Эдисон ва унинг чироғи». Мультфильм.
17.15 «Евроньюс» янгиликлари.
17.25 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
18.00 «Мени кутгил».
19.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
20.00 «Время».
20.35 «Қутб ёғдуси остида». Бадиий фильм. 5-қисм.
21.40 «Бизнес ревю».
21.45 CFI тақдим этади: «Асрнинг буюк инсонлари».
22.35 А. Зацепиннинг концерти.
00.10 «Ахборот» (рус тилида)
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

СЕШАНБА, 27

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 , 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Нурли манзиллар».
10.25 «Ишбилармон кишилар». Бадиий фильм.
11.45 «Мулкдор».
12.05 «Ёлғончилар қасри». Мультфильм.
12.20 «Кўпчилик қаторида».
12.40 ТВ клип.
12.50 «Қиш сонатаси». Телесериал.
14.10 «Муносабат».
14.40 «Яхшилик». Телешоу.
15.30 , 16.15 ТВ-анонс.
15.35 «Шарқ тароналари».
15.55 «Гиёҳвандлик - аср вабоси».
16.20 «Алибобо ва қирқ қароқчи». Мультфильм.
16.50 ТВ клип.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
18.30 «Баркамол авлод орзуси».
18.50 Мумтоз наволар.
19.05 «Эл тинчлиги йўлида».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Истеъмолчи».
21.25 ТВ клип.
21.35 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Қиш сонатаси». Телесериал.
22.45 «Олтин бешик».
23.30 «Ахборот-дайжест».
23.50-23.55 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Давр»- репортаж.
9.25 «Янги авлод» студияси: Кичкинтой экрани.
9.40 «Олтин мих». Мультфильм.
9.50 Ўйна, болажон, ўйна.
10.05 ТВ-анонс.
10.10 Кинотакдим.
10.30 «Японияниг боқий маданияти». Илмий-оммабоп сериал 9-қисм.
10.50 Ёшлар овози.
11.10 «Гвадалупе». Телесериал.
11.50 «Меҳр кўзда». Мактубларга шарҳ.
12.10 Болалар экрани: «Баланд тоғлар остида» 1-қисм.
12.40 Интерфутбол.
14.20 ТВ-анонс.
14.25 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
14.50 Қишлоқдаги тенгдошим.
15.10 «Оила сирлари». Бадиий фильм.
16.40 Кўрсатувлар дастури.
16.45 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар, Ҳар соҳага саёҳат.
17.25 Қуёшли юрт одамлари.
17.40 Таянч.
18.00 Рақслар гулдастаси.
18.10 «Японияниг боқий маданияти». Илмий-оммабоп сериал 10-қисм.
18.30 Автопатрул.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр»- интервью.
19.50 ТВ-анонс.
19.55 Кўҳна оҳанглар.
20.10 Ўзимизники.
20.20 Марди майдон.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
23.20 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: 1.Нокаут, 2.Теннис.
00.20 Давр.
0.40-0.45 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 TTVда сериал. «Муҳаббат риштаси».
17.55, 19.10, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 Болажонлар экрани.
18.30, 20.00, 21.10, 22.20 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Спорт ва болалар».
19.30 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.45 «Ҳимоя».
20.25 TTVда сериал. «Мафтункор аёл».
21.30 «Туризм ҳақида».
22.45 Кинонигоҳ. «Анойи , Шпунс».
00.05-00.10 Хайрли тун, шаҳрим!

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал. 6.30-8.00
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.50 «Спорт масканларида».
17.05 «Евроньюс» янгиликлари.
17.25 «Сати». Анатолий Равикович.
18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
19.00 «Кулгу хонаси».
19.45 Хроника».
19.55 «Севги рақси». Телефильм.
20.00 «Время».
20.40 «Қутб ёғдуси остида». Бадиий фильм. 6-қисм.
21.45 «Бизнес ревю».
21.50 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
22.00 «Қалб девонадир». Бадиий фильм. 1-қисм.
23.10 «Чотқол манзаралари». Телефильм.
23.25 «Ахборот» (рус тилида)
23.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА, 28

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 , 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Фавворалар», «Ёз нафаси».
9.20 «Баркамол авлод орзуси».
9.40 Болалар учун. «Фламинго».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Бахтимизга омон бўлинг».
10.25 «Робинзон Крузонинг ҳаёти ва ажойиб саргузаштлари». Бадиий фильм.
11.55 , 14.45, 16.30 ТВ-анонс.
12.05 «Қувноқлар ва зукколар».
12.50 «Қиш сонатаси». Телесериал.
14.10 «Истеъмолчи».
14.30 «Рангин дунё».
14.50 «Динозаврлар билан сайр». Ҳужжатли телесериал.
15.50 ТВ клип.
16.00 «Ягона оилада».
«Болалар сайёраси»:
16.35 1. «Сўнгги қўнғироқ«.
2. «Болалар ва катталар».
17.35 «Истеъдод».
18.10 «Тиббиёт одимлари».
18.25 Репортаж.
18.30 «Умид». Телелотерея.
18.55 «Яхши ният»нинг ниятлари.
19.10 «Маҳалламиз стадиони». Спорт дастури.
19.30 Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Журналист таҳлили».
21.25 Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Камила». Телесериал.
21.55 ТВ клип.
22.05 «Хоразм: кеча ва бугун». 1-қисм.
22.25 ТВ клип.
22.35 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Трактор»-»Насаф».
23.25 «Ахборот-дайжест».
23.45-23.50 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Давр»- интервью.
9.45 ТВ-анонс.
9.50 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар, Ҳар соҳага саёҳат.
10.15 «Мульттомоша».
10.30 «Японияниг боқий маданияти». Илмий-оммабоп сериал 10-қисм.
10.50 Саломат бўлинг.
11.10 Таянч.

11.30 «Гвадалупе». Телесериал.
12.10 Ёшлар овози.
12.30 Болалар экрани: «Баланд тоғлар остида» 2-қисм.
13.00 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: 1 Нокаут, 2 Теннис.
14.05 Қуёшли юрт одамлари.
14.20 «Ақлдан оздирадиган ўйинлар». Сериал.
14.45 Ўзимизники.
14.55 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
15.20 Автопатрул.
15.40 «Учинчи сайёра». Маърифий дастури.
16.30 Гиёҳ сирлари.
16.45 ТВ-анонс.
16.50 Кўрсатувлар дастури.
16.55 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар, Шум болалар.
17.35 ТВ-анонс.
17.40 «Японияниг боқий маданияти». Илмий-оммабоп сериал 11-қисм.
18.00 Қўли гул уста.
18.20 Ёшлар овози.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Зинама-зина» телеўйини.
20.00 Спорт- лото.
20.10 Кўҳна оҳанглар.
20.20 Чемпион сирлари.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 «Бойсун баҳори» 1-кўрсатув.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол Танаффус пайтида-.
24.00 Давр.
1.00 – 1.05 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «TTВда сериал: «Муҳаббат риштаси».
17.55, 19.10, 21.45 «Экспресс» телегазетаси».
18.15 «Болажонлар экрани».
18.30, 20.00, 21.10, 22.25 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Мусиқий меҳмонхона».
19.30 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.45 «Аёл қалби».
20.25 TTVда сериал. «Мафтункор аёл».
21.30 «Моҳир».
22.05 «Ҳамшаҳарлар».
22.50 Кинонигоҳ. «Капитан».
24.00-00.05 Хайрли тун, шаҳрим.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал. 6.30-8.00
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.50 «Ҳинд оҳанглари».
17.10 «Евроньюс» янгиликлари.
17.25 Е. Петросяннинг Кулгу панорамаси.
18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
19.00 «Заиф бўгин».
20.00 «Время».
20.40 «Иккинчи пландаги роль». Кинокомедия.
21.45 «Бизнес-ревю».
21.50 «Спорт технологияси».
22.10 «Қалб девонадир». Бадиий фильм 2-қисм.
24.00 «Ахборот» (рус тилида)
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПАЙШАНБА, 29

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Сўнгги қўнғироқ».
2. «Болалар ва катталар».
10.00 , 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Фанимиз истиқболлари».
10.25 «Қойилмақом жиноят». Бадиий фильм.
11.55 , 12.30, 13.10 ТВ-анонс.
12.05 «Мусиқий учрашувлар».
12.35 «Буни умр дерлар».
12.50 «КиноТеатр».
13.15 «Маҳалламиз стадиони». Спорт дастури.
13.30 «Журналист таҳлили».
13.50 ТВ клип.
14.10 «Динозаврлар билан сайр». Ҳужжатли телесериал.
15.10 «Хоразм: кеча ва бугун». 1-қисм.
15.30 «Ишонч».
15.50 «Камила». Телесериал.
«Болалар сайёраси»:
16.20 1. «Туғилган кун». Теленовелла.
2. «Қизиқарли учрашувлар».
17.20 «Аския».
17.40 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.10 «Аждодлар мероси».
18.50 «Таянч нуқтаси».
19.05 «Соғлом она - соғлом бола».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Оқшом эртаклари».
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инлиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Телемулоқот.
21.45 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Камила». Телесериал.
22.15 «Хоразм: кеча ва бугун». 2-қисм.
22.35 ТВ клип.
22.45 «Ахборот-дайжест».
23.05-23.10 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар, Шум болалар.
9.55 «Мульттомоша».
10.10 ТВ-анонс.
10.15 «Японияниг боқий маданияти». Илмий-оммабоп сериал 11-қисм.
10.35 Саломат бўлинг.
10.55 Спорт - қитъаси (рус тилида)
11.25 Чемпион сирлари (рус тилида)
11.45 «Гвадалупе». Телесериал.
12.05 Ёшлар овози.
12.25 Болалар экрани: «Баланд тоғлар остида» 3-қисм.
12.55 Интерфутбол.
14.35 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
15.00 ТВ-анонс.
15.05 «Мен сизни севардим». Бадиий фильм.
16.30 Кўрсатувлар дастури.
16.35 «Янги авлод» студияси: Шоҳсупа, Мультфильм.
17.05 Огоҳ.
17.20 «Японияниг боқий маданияти». Илмий-оммабоп сериал 12-қисм.
17.40 Ёшлар овози.
18.00 «Оби ҳаёт». Экологик тележурнал.
18.15 «Машҳура» қизлари.
18.30 Табобат оламида.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» – интервью.
19.50 ТВ-анонс.
19.55 Сийрат.
20.15 Кўҳна оҳанглар.
20.20 Бегойим.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 «Гвадалупе» телесериал.
21.30 «Бойсун баҳори» 2-кўрсатув.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол Танаффус пайтида-.
24.00 Давр.
1.00-1.05 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 TTVда сериал. «Муҳаббат риштаси».
17.55, 19.10, 21.45 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Навниҳол».
18.30, 20.00, 21.10, 22.35 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Бурч ва масъулият».
19.30 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.45 «Эл хизматида».
20.25 TTVда сериал. «Мафтункор аёл».
21.30 «Умр йўлдоши».
22.25 Кинонигоҳ. «Муҳаббат барини кечиради».
23.50-23.55 Хайрли тун, шаҳрим.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал. 6.30-8.00
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.50 «Жонли табиат».
17.05 «Евроньюс» янгиликлари.
17.25 Александр Абдуловнинг монологи.
18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
19.00 CFI тақдим этади «Цирк».
20.00 «Время».
20.40 «Ишонч кредити». Кинокомедия.
21.45 «Бизнес ревю».
21.50 «Юқори технологиялар олами».
22.00 «Ҳисор қўриқхонаси». Телефильм.
22.20 «Соккер клуб».
22.40 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
22.50 «Қочоқ келин». Бадиий фильм.
00.35 «Ахборот» (рус тилида)
1.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА, 30

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Туғилган кун». Теленовелла.
2. «Қизиқарли учрашувлар».
10.00 , 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Трумен томошаси». Бадиий фильм.
11.40 «Алла» ижрочиларининг республика кўрик танлови.
12.05 «Олам». Телеальманах.
12.35 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
13.50 ТВ клип.
14.10 Телемулоқот.
14.50 Кундузги сеанс: «Икки соҳил». Бадиий фильм.
16.00 «Хоразм: кеча ва бугун». 2-қисм.
16.20 «Камила». Телесериал.
«Болалар сайёраси»:
16.50 1. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
2. «Ҳазил, ҳажв, ҳангома».
17.50 «Зумраша». Ҳажвий киножурнал.
18.10 «Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра!»
18.30 «Иқтидор». Интеллектуал телеўйин.
19.05 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Оқшом эртаклари».
20.15 Бир жуфт қўшиқ.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муносабат».
21.35 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Камила». Телесериал.
22.05 «Қизлар давраси».
23.30 «Ахборот-дайжест».
23.50-23.55 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Давр» - интервью.
9.30 «Янги авлод» студияси: Шоҳсупа, Мультфильм.
10.00 «Японияниг боқий маданияти». Илмий-оммабоп сериал 12-қисм.
10.20 «Оби ҳаёт». Экологик тележурнал.
10.35 Жаҳон жўғрофияси.
11.25 ТВ-анонс.
11.30 «Гвадалупе». Телесериал.
12.10 «Чекиш - соғлиққа зарар». Телефильм.
12.20 Болалар экрани: «Баланд тоғлар остида» 4-қисм.
12.50 Интерфутбол.
14.30 Ёшлар овози.
14.50 Кўҳна оҳанглар.
15.00 «Ақлдан оздирадиган ўйинлар». Сериал.
15.25 Бегойим.
15.45 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
16.10 Сийрат.
16.30 Кўрсатувлар дастури.
16.35 «Янги авлод» студияси: У ким?, Бу нима?, Келинг танишайлик, Мультфильм.
17.25 «Японияниг боқий маданияти». Илмий-оммабоп сериал 13-қисм (якунловчи)
17.45 Мураббий.
18.00 Рақслар гулдастаси.
18.10 «Саломат бўлинг». Халқаро кашандаликка қарши кураш куни олдидан.
18.45 ТВ-Бинго анонси.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Қишлоқдаги тенгдошим.
20.00 Аскар мактублари.
20.20 Азизим.
20.45 21.30, 22.35 Эълонлар.
20.50 «Гвадалупе». Телесериал.
21.35 «Ёш куч» Қишлоқ стадионидан хабарлар.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс ва тунги тароналар.
22.50 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
23.15 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: 1.Ринг қироллари, 2.Футбол плюс.
0.35 Давр.
0.50-0.55 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 TTVда сериал. «Муҳаббат риштаси».
17.55, 19.05, 22.20 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Болажонлар экрани».
18.30, 20.00, 21.10, 22.40 «Пойтахт» ахборот дастури.
19.50 «Ўзбегим навоси».
20.10 «Билим» телеклуби.
19.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.25 TTVда сериал. «Мафтункор аёл».
21.30 «Дорихона эшитади». Бевосита мулоқот.
23.05 Кинонигоҳ. «Йўлдаги учовлон».
00.35-00.40 Хайрли тун, шаҳрим.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал. 6.30-8.00
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.50 «Мультсеанс».
17.10 «Евроньюс» янгиликлари.
17.25 Ҳужжатли фильм.
18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
18.50 «Мўъжизалар майдони».
20.00 «Время».
20.45 «Бизнес ревю».
20.50. Дурдаршан.
21.15 «Услуб».
21.30 «Хит парад».
21.50 «Тунги учрашув».
22.05 «Яшаш воситаси».
22.20 «Тунги навбатчилик».
22.30 «Лос-Анжелос ҳикояси». Бадиий фильм.
23.55 «Ахборот» (рус тилида)
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА, 31

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
2. «Ҳазил, ҳажв, ҳангома».
10.00 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
10.20 «Бу турфа олам».
11.10 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
11.30 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
12.10 Х. Хурсандов, Ф. Олимов. «Топталган туйғу». Муқимий номидаги. Ўзбек Давлат мусиқий театри спектаклининг премьераси. 1-қисм.
13.25 «Чорраҳа».
13.45 «Топталган туйғу». Спектакл премьераси. 2-қисм.
14.45 «Нафосат гулшани».
15.10 «Барби ва Қарсилдоқ«. Мультфильм премьераси.
16.30 «Ягона оилада».
17.00 «Бахтимизга омон бўлинг».
17.20 «Рангин дунё».
17.35 Бир жуфт қўшиқ.
17.45 «Бир кулишайлик».
18.05 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
18.25 Халқаро кашандаликка қарши кураш кунига. »Сиҳат-саломатлик».
18.45 «Интеллектуал ринг». Телеўйин.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Оқшом эртаклари».
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инлиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қўшиғимиз Сизга армуғон».
21.25 «Гап чиқди». Телешоу.
22.15 «Ахборот-дайжест».
«Тунги ёғду»:
22.35 «Форест Гамп». Бадиий фильм. 1-қисм.
23.45-23.50 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 Давр тонги.
9.00 «Янги авлод» студияси: У ким?, Бу нима?, Келинг танишайлик, Мультфильм.
9.50 ТВ-анонс.
9.55 «Японияниг боқий маданияти». Илмий-оммабоп сериал 13-қисм (якунловчи)
10.15 Табобат оламида.
10.35 «Бунёдкор» ёшлар телеклуби.
10.55 Болалар экрани:
11.15 «Ёш куч». Қишлоқ стадионидан хабарлар.
11.30 «Гвадалупе». Телесериал.
12.10 Огоҳ.
12.25 Ринг қироллари.
13.15 Оила тилсими.
13.40 «Виждон амри». Бадиий фильм.
15.10 Қишлоқдаги тенгдошим.
15.30 «Чархпалак». Телевизион бадиий фильм 18-қисм.
16.15 Кўҳна оҳанглар.
16.25 Кўрсатувлар дастури.
16.30 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма.
17.00 Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига. Бола тилидан.
17.30 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Коинот». Маърифий фильм 2-қисм.
18.20 Бизнес-академия.
18.35 Каталог.
18.45 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр»-репортаж.
19.45 ТВ-анонс.
19.50 Кўҳна оҳанглар.
20.00 Кутилмаган меҳмон.
20.20, 21.10, 22.35 Эълонлар.
20.25 «Чархпалак». Телевизион бадиий фильм 19-қисм.
21.15 Оҳанрабо.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс ва тунги тароналар.
22.55 Мутойиба.
23.25 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Ширин хотиралар». Бадиий фильм. 1-қисм (Ҳиндистон)
0.55-1.00 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
19.00, 20.30, 22.55 «Экспресс» телегазетаси.
19.20 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.00 «TV мадад».
20.10 «Афиша».
20.50 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
21.10 «Эҳтиром ила»
21.25 «Нима учун?»
21.55 «Жаҳон географияси».
22.25 «TV плюс».
23.15 Кинонигоҳ. «Кема ҳалокати».
00.45-00.50 Хайрли тун, шаҳрим.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.10 Кўрсатувлар тартиби.
9.15 «Ҳамма уйдалигида».
10.00 Болалар соати: «Ақлли буюмлар». Бадиий фильм.
12.15 «Мафтункор кабутарлар». Телефильм.
12.30 «Экран зийнати ва қиймати».
12.55-14.15 Дўстлик видеоканали: «В доброй хате», «Гардашьг дунёсьнда», «Бизнен мирас».
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Бинафша».
17.25 «Билишни истайман».
17.45 «Жаҳон рақслари».
18.05 «Лаззат сеҳри».
18.35 «Ассалом Франция».
18.55 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
20.00 «Время».
20.40 Нима? Қаерда? Қачон?.
22.00 «Фариштлалар шаҳри». Бадиий фильм.
23.45 «Ахборот» (рус тилида)
00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЯКШАНБА, 1

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ.

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.35 «Ғаройибот».
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20 «Рақибингиз гроссмейстер».
11.30 «Интеллектуал ринг». Телеўйин.
12.10 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Бойвачча Рич». Бадиий фильм премьераси.
13.40 «Гап чиқди». Телешоу.
14.30 ТВ клип.
14.40 «Болалар сайёраси» да. «Бугун байрам» дастури:
18.00 «Дип-интервью».
18.20 Болалар учун. «Саргузаштлар ороли». Телешоу.
18.40 «Қалб гавҳари».
19.00 «Куйла, ёшлигим».
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Кўрсатувдан - кўрсатувгача».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Дунёни болаларга берайлик». Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган бадиий-мусиқий дастур.
21.55 «Яхшилик». Телешоу.
«Якшанба кинозали»:
22.45 «Форест Гамп». Бадиий фильм. 2-қисм.
23.55-24.00 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 Давр тонги.
9.00 Бахтли болалик қўшиқлари.
9.15 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма.
9.45 «Мульттомоша».
10.15 ТВ-анонс.
10.20 Оҳанрабо.
11.00 «Заковат» интеллектуал ўйини.
11.55 «Ёшлар телеканалида ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1.Марди майдон, 2.Аскар мактублари.
12.35 Бола тилидан.
13.05 Болалар экрани: «Тилсимой-ғаройиб қизалоқ«.
14.15 Чемпион сирлари.
14.35 «Чархпалак». Телевизион бадиий фильм 19-қисм.
15.20 Кўҳна оҳанглар.
15.35 Азизим.
16.00 «Зинама-зина» телеўйини.
16.25 ТВ-анонс.
16.30 Кўрсатувлар дастури.
16.35 Республика мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари якунлари.
16.50 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус, Болалар байрами, Мультфильм.
17.50 ТВ-анонс.
17.55 «Томоша» ансамблининг байрам концерти.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр»-news.
19.20 ТВ-анонс.
19.25 «Қаҳқаҳа» театр - студияси намойиш этади.
20.05, 20.55, 22.30 Эълонлар.
20.10 «Чархпалак». Телевизион бадиий фильм 20-қисм (якунловчи)
21.00 «Қилни қирқ ёриб» Интеллектуал ўйин.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр» ҳафта ичида.
22.35 ТВ-анонс ва тунги тароналар.
22.50 «Ширин хотиралар». Бадиий фильм 2-қисм.
0.20-0.25 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Мультикарусель».
17.40, 19.30, 23.10 «Экспресс» телегазетаси.
18.00 «Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни»га. «Меҳржон». 1-қисм.
19.50 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.30 «TV мадад».
20.40 «Мисли гавҳар».
20.55 «Нима учун?» гуруҳи тақдим этади: «Шунақа гаплар». Ҳажвий кўрсатув.
21.10 «Меҳржон». 2-қисм.
22.40 «Жаҳон географияси».
23.30 Кинонигоҳ. «Галатепалик авлиё».
24.00-00.05 Хайрли тун, шаҳрим.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.05 Кўрсатувлар тартиби.
9.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
9.30 «Ҳамма уйдалигида».
10.05 «Кичик малика». Телефильм.
10.40 «Мультсеанс».
11.00 «Қувноқ инглиз тили».
11.10 «Кайфият». Информацион дам олиш дастури.
12.35 «Дисней-клуб».
13.00 «Фан тайм».
13.10 «Парле ву франсе?»
13.35 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
13.55 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
14.05-15.25 «Дўстлик» видеоканали: «Рангинкамон», «Дидар», «Айчурек», «Корейс тилини ўрганамиз».
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Ҳикоя».
17.25 «Автострада».
17.40 «Жаҳон рақслари».
18.10 А. Шаинскийнинг юбилей концерти.
20.30 «Дунёга назар».
21.00 «Тенгдошлар».
21.25 «Кинопрофи».
21.45 «Тепаликдаги уй». Бадиий фильм.
23.05 Бокс. Супер жанг. Аселино Фрейтас – Хусан Карлос Рамирес.
23.35 «Таҳлилнома» (рус тилида)
00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Сиз кутган учрашув

ОЙБАРЧИНДЕК ЖАСУР ҚИЗНИНГ ОНАСИ

Саҳнада «Алпомиш» достони асосидаги томоша давом этарди. Бошдан оёқ оппоқ либосга бурканган фариштадек аёл кириб келади. Нигоҳлари мағрур, кесиб-кесиб гапиради. Залда ўтирган юзлаб ёш томошабинлар бу аёлга ҳавас билан термулишади. Ҳаммасининг хаёлидан битта фикр ўтади: «Ойбарчиндек жасур қизнинг онаси шундай бўлади-да!»

Ана, она қизи Ойбарчинни қалмоқ элига жўнатмоқ бўлиб, узанги ва эгари тилладан, устига парқу бахмал солинган отнинг жиловидан ушлаб олиб келади ва қизига шундай дейди:

... Кокилларинг
эшилгандир тол-тол,
Ҳар толига берса етмас
дунё мол,
Сенга ҳамроҳ ўн минг
уйли элат бор,
Ўйнатиб минсанг-чи,
бундайин тулпор!

Ойбарчинни отга миндириб жўнатиб ортидан қўл силкиб қолган мағрур аёлнинг чеҳраси томошабинда ҳайрат уйғотади. Уларнинг назарида бу аёл театрнинг таниқли актрисаси Фаридахоним Умарова эмас, ўтмиш бағридан чиқиб келган афсонавий она эди!

— Бизнинг томошабинларимиз асосан болалардир. Бола эса фақат ростликни қадрлайди, - дейди Фаридахоним. — Уларнинг ишончини қозониш осон эмас.. Бунинг учун катта куч ва фидойилик керак!

У бундан йигирма йилча аввал Йўлдош Охунбобоев номли ёш томошабинлар театрига ишга келганида тажрибаси жуда оз эди. Фаридахон бу жойга келгунга қадар Андижон вилоят мусиқали драма ва комедия театрида беш йилча ишлаган, устозлари — Қамара Бурнашева, Азиза Аминова, Аббос Бакиров сингари етакчи саҳна артистлари ва режиссёр Маннон Ҳамидовнинг сабоқларини кунт билан ўзлаштира бошлаганди. «Фарғона тонг отгунча»да Хаётхонни ўйнади. Илк рол унга омад келтирди. «Сендан яхши актриса чиқади!» деди режиссёр елкасига қоқиб. Бу сўз Фарида Умаровага умид ва ишонч бахш этди. Тинмай изланди. Таниқли актёрларни ўзига устоз деб билди.

— Мен устозларимдан шу нарсани ўргандимки, рол учун худди имтиҳонга бораётгандек пухта тараддуд кўриш керак экан, - дейди Фаридахон. — Ҳар бир томошабиннинг нигоҳида акс этган ишонч бизга қўйилган катта баҳодир! Кекса устозим Муҳаббат ая Йўлдошева бизга «Саҳна муқаддас даргоҳ» дея кўп бора таъкидлайдилар. Жуда кўплаб улуғ инсонлар садоқат билан хизмат қилган бу театр саҳнаси мен учун ҳам муқаддас эканини биламан.

Болалар учун томоша қўйишнинг ҳам енгил, ҳам мураккаб томонлари бор. Енгиллиги шундаки, содда сўзлардан фойдаланилади, ҳаракатлар ҳам болаларбоп. Аммо ҳаракатлар мазмунини ифода этиш актриса учун ғоят қийин кечади. Нега? Чунки ҳаракат ва сўзлашув жараёни сохта чиқиб қолса, томошабин бундан дарров зерикади. Кечагина турлича феълли кишиларнинг ролларини бажарган актриса бугун турлича жониворлар кўринишида саҳнага чиқади. Масалан, тулки, бўри, қуён... Хўш, тулки қандай юради? Бўри қанақа қилиб ўлжасини қўлга туширади? Қуён қанақа югуради? Бунинг учун катта маҳорат керак. Фарида Умарова одамларнинг ҳам, ҳайвону жониворларнинг ҳам табиатини, феълу атворини қизиқиб ўрганди. Шунинг учун ҳам «Ўрмон машмашаси»да Товуқ, «Олтин жўжа»-да Олтин жўжа, «Ўрмон қўшиғи»да Улоқча образларини яратганида ҳар гал болалар қувончдан уни олқишлайдилар! ...Беихтиёр саҳнадаги улоқчага «тезроқ қоч, қўлга тушасан!» деб қичқиришади ёки олтин жўжага дарров хайрихоҳ бўлишади.

Кейинги йилларда Фарида Умарова кўплаб янги-янги қаҳрамонлар образларини яратди. Айниқса, «Сирли сандиқ»да Зумрад, «Оқ бўри»да Ойнур, «Раҳмат, капитан»да Назира, «От кишнаган оқшом»да Момосулув, «Сеҳрли дур»да Табиат маликаси, «Учар табиб»да Қиз, «Наврўз ва Бойчечак»да Ойтуғди, «Оловиддиннинг сеҳрли чироғи»да Она, «Эски Жўва гаврошлари»да Ўқувчи қиз, «Ўз ерингдан айрилма»да Миронова, «Кеча ва кундуз»да Зебунисо сингари роллари уни томошабинларга янада яқин қилиб қўйди.

— Болалар учун мўлжаллаб қўйилган ҳар бир саҳна асари ўз мазмунига кўра тарбия жараёнига хизмат қилиши керак, - дейди актриса. — Яъни, бола шу томоша орқали табиатни севишни, катталарни иззатлашни, ота-онани ҳурмат қилишни, ақлли ва билимли, кучли ва довюрак бўлишни ўргансин, деймиз. Фақат кўнгил очиш учун қўйилган томошанинг қадр-қиммати оз, бундай томоша томошабинга ҳеч нарса бермайди. Шу ўринда театримиз учун юқори савиядаги асарлар камлигини ҳам айтиб ўтишим зарур. Болалар театрларида қўйилаётган томошаларнинг аксарияти ўзбек халқ эртакларига асосланган. Аммо бугунги болалар учун эртаклар баробарида замонавий воқеа-ҳодисалар қаламга олинган чуқур мазмундаги саҳна асарлари ҳам керак.

— Айни пайтда янги ижодий режалар билан яшаяпмиз, - дейди актриса. — Академик шоир Ғафур Ғуломнинг «Шум бола» асарини янги талқинда саҳналаштираяпмиз. Аслида бу асар театримизда бундан 25 йил илгари ҳам қўйилган, ёш томошабинларимиз томонидан ҳаяжон билан кутиб олинган. Яқин кунларда испан ёзувчиси Фернандо Аррабо қаламига мансуб «Сайр» (Пикник) асари асосида томоша қўймоқчимиз. Бу асар болаларни табиатдаги ҳар бир гиёҳни асрашга ва тинчликни қадрлашга ўргатади.

Театр — қутлуғ даргоҳ.

Актриса эса мана шу даргоҳнинг қувончу ташвишлари, оғриқлари билан яшагувчи фидойи инсон. Уни театрга боғлаб тургувчи куч нима? Касбга муҳаббатми? Ё саҳнага садоқатми? Ёинки устозлар олдидаги қарзни адо этиш масъулиятими? Хуллас, буларнинг бариси жамланиб, актрисани театр билан боғлагувчи муқаддас риштага айланади! Мана шу ришта кун сайин қалинлашиб бораверади ва актрисани элга танитади. Не бахтки, таниқли актриса Фарида Умарова ҳам ана шундай гўзал тақдир соҳибаси.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

Донолар бисотидан

СУКУТ САҚЛАШНИ БИЛ

Сукут – мулоқот қилишнинг энг буюк усулларидан биридир.

У.ХЭЦЛИТТ.

Ким оз нарсани сақлай олмаса, у кўп нарсани ҳам йўқотади.

МИНАНДР.

Ҳеч қачон бировга лой отманг:
нишонга теккиза олмаслигингиз мумкин ва қўлингиз ифлослигича қоласиз.

ПАРКЕР.

Гапирган пайтингизда гапингиз сукутдан яхши бўлмоғи лозим.

Араб мақоли.

Ҳеч нарса билан шуғуллангандан кўра, хеч нарса билан шуғулланмаган маъқул.

ПЛИНИЙ.

Шундай яшагинки, ҳудди ҳозир сен ҳаёт билан видолашаётгандек ва қолган вақтинг ҳар бир дақиқаси сен учун кутилмаган совғадек бўлсин.

Марк АВРЕЛИЙ.

Босиб ўтилган йўлни эмас, қолган йўлни ўлча.

ОВИДИЙ.

Инсонга берган жавобларига қараб эмас, балки берган саволларига қараб баҳо бер.

ВОЛЬТЕР.

Болалар спорти

Иштихон туманида ўқувчи-ёшларни спортга оммавий тарзда жалб этиш, жисмонан баркамол бўлиб вояга етишларини таъминлаш мақсадида мактабда футбол бўйича турнир ўтказилмоқда.

ХОТИРА ТУРНИРИ

Туман ҳокимлиги, электр тармоқлари корхонаси ва бошқа ташкилотлар ҳомийлигида ўтказилаётган турнир қўриқ ерларнинг ўзлаштирилишида жонбозлик кўрсатиб, бир қатор хўжаликларнинг ташкил этилишига бош-қош бўлган олижаноб инсон Мурод Жўраевнинг ўчмас хотирасига бағишланади.

Уч қаватли туман идораси, музей, истироҳат боғи, марказий Миёнкол спорт ўйингоҳи Мурод Жўраевдан ёрқин хотира.

- Тошкентдаги олий ўқув юртларида таълим олаётган иштихонлик талабаларга ҳар йили кийим-бош ҳадя этар, ўқиш, ўзлаштиришларидан доим боҳабар бўлиб турарди раҳматли Мурод ака, - дейди туман касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти бошқаруви раиси, эркин кураш бўйича спорт устаси Исоқ Курбонов.

Эл назарига тушган М.Жўраев хотирасини абадийлаштириш мақсадида «Халқобод» жамоа хўжалигига, туман истироҳат боғига у кишининг номи берилган.

Хотира турнирида қўшни туманлар ёшлари ҳам иштирок этишмоқда.

Зафар ЖЎРАЕВ,
«Ишонч» мухбири

Огоҳликка даъват

ҒАЛАМИСЛАР ҚУТҚУСИГА УЧИБ

тўғри йўлдан адашганлар тавба-тазарру қилишди

Инсон учун туғилган юрти ҳар нарсадан азиз ва мўътабар.Шунинг учун ҳам киндик қонимиз томган жойни она Ватан деб улуғлаймиз. Зеро, она битта бўлгани каби Ватан ягона.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон аталмиш келажаги буюк мамлакат дунёга танилди. Иқтисодий ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилаётир. Турмуш фаровонлиги ҳам тобора яхшиланиб бормоқда.

Бироқ юртимиз тинчлиги ва осойишталигини кўра олмайдиган ғаламислар қутқусига учиб, тўғри йўлдан адашганлар ҳам йўқ эмас.

Қаршилик Шуҳрат Бобоев ана шундай иродасиз йигитлардан бўлиб чиқди. Ўзининг гўллиги ва эътиқодсизлиги туфайли ота-онаси, қариндош-уруғлари, маҳалладошларининг юзини ерга қаратди. Турли диний оқимлар қутқусига учиб жиноятга қўл урган Ғулом Равшанов ва Холмат Умаровлар ҳам хатоларини кеч тушундилар.

Президентимизнинг бағрикенглиги туфайли жиноят кўчасига кирган ёшлар авф этилди. Бугунги кунда улар осойишта ҳаёт бағрига қайтдилар. Адашган, ўз қилмишларига чин дилдан иқрор бўлганларга ҳаётини янгитдан бошлашига имкон яратилди.

— Экстремистик оқимлар ислом динига мутлақо ёт, - дейди «Кўкгумбаз» жоме масжидининг имом- хатиби, мусулмонлар диний идорасининг вилоятдаги вакили Исмоил ҳожи Райҳонов. - Мустақиллик деган олий неъмат қадрига етиб, ёшлар қалбига эзгулик уруғларини сочишимиз лозим.

– «Ҳизбут-тахрир»чилар сафига билиб-билмай кириб қолганимиздан таассуфдамиз, - дейишди қаршилик Хайрулло Ражабов ва Ҳакимжон Узоқовлар. - Ўйламай қўйган қадамимизнинг қанчалар хавфли эканлигини кейинроқ англадик. Биз барча соф виждонли йигит-қизларни ғаламисларнинг ҳавойи ваъдаларига учмасликка чақирамиз.

Авф этилганларнинг таъкидлашларича, сохта ғоя ташкилотлари аввал ёшлар билан диний илмларга оид савол-жавоблар қилганлар. Кейинчалик ислом динига ёт ақидалар акс эттирилган китобларни ҳадя этиб, сўнгра аста-секинлик билан мамлакатимиз ривожига раҳна солувчи ғояларни тарқатишга мажбур қилишгача бориб етганлар.

Бешкентлик О.Халилов, Н.Рўзибоев, С. Мардонов, А.Сирочев, нишонлик Б.Раҳимбердиев, О.Маматов, Қ.Эгамназаровлар қинғир йўлга кирганликларини жуда кеч англадилар.

Вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари, Қарши Давлат университети, Муҳандислик иқтисодиёт институти, «Маънавият ва маърифат» кенгаши билан ҳамкорликда меҳнат жамоалари, маҳаллалар, олий ўқув юртлари, мактаблар ва коллежларда «Огоҳлик - давр талаби» мавзуида давра суҳбатлари, мулоқотлар уюштирилди.

Қарши шаҳрининг Чақар, Чармгар, Бешкентнинг Бодомзор, Косоннинг Нортичуқур маҳаллалари, Деҳқонобод, Китоб, Шаҳрисабз туманлари марказлари, педагогика ва ижтимоий-иқтисодиёт, тиббиёт коллежларида, «Шўртаннефтгаз» унитар корхонаси, Муборак газни қайта ишлаш заводида ўтказилган йиғинларда диний экстремистик оқим аъзоларининг ғаразли мақсадларини фош этиш, уларга нисбатан муросасиз бўлишга даъват этилди.

Она диёримиз Ўзбекистоннинг ҳар қарич ери кўзга тўтиё. Ватан меҳр-муҳаббатини дилга жо қилиб, уни фарзандлик туйғуси билан севиб, ардоқлаш ҳар бир фуқаро бурчидир.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

БИР ТУРДА 28 ТА ГОЛ

яхшими ёки ёмон? Бу қайси томондан қарашга боғлиқ

Албатта, стадионга ташриф этган томошабин дарвозалар ишғол қилинишидан завқланишни истайди. Шу маънода 9-турда Қўқон, Қарши, Бухоро, Тошкент, Қувасой шаҳарларида бўлиб ўтган учрашувлардан кўзланган мақсадга эришилди, деб айтиш мумкин.

Футбол

Лекин жиддийроқ таҳлил қиладиган бўлсак, айниқса, Бухорода кечган ўйин ва Тошкентлик кишини чуқур ўйга толдирмай иложи йўқ. Борингки, мамлакат терма жамоаси базасига айланган «Пахтакор»нинг «Гулистон» командасини 5:0 ҳисобида мағлуб этиши ажабланарли эмасдир ҳам. Аммо «Трактор»нинг «Бухоро» ҳужумига тайинли қаршилик кўрсата олмагани қизиқ. Умуман, «Трактор»га бу йил ўзи нима бўлди?

Бу бешинчи мағлубият. Тракторчилар учун ўз дарвозаларидан уч ва ҳатто тўрт-бешта тўп олиб чиқиш фавқулодда ҳодиса бўлмай қолди.

Беихтиёр савол туғилади: ҳимоя чизиғи шу қадар бўшми ёхуд бунга дарвозабон айбдорми? Мутасаддилар бунга қандай қарайди, аҳволни ўзгартириш учун чора-тадбирлар кўриладими ёки зимдан олий лига билан хайрлашиш нияти борми? Ҳар ҳолда клуб раҳбарлари ва ҳомийлар бу ҳақда жиддий бош қотирмасалар эртага кеч бўлади.

Бир сўз билан айтганда, футбол жамоаларимиз ҳужумкорликни инглиз ва испанлардан, ҳимояланишни эса италян ва немислардан ўрганиб қўйсалар ёмон бўлмасди. Бу эса охир оқибат терма жамоанинг шаклланишига ўз таъсирини ўтказмай қолмас эди.

Ҳар ҳолда ушбу тур ўйинлари футболимиз олдида турган муаммоларни яна бир карра бизга эслатиб қўйди.

«Қўқон-1912» – «Нефтчи» – 2:4, «Насаф» –«Самарқанд-Д» – 4:2, «Андижон» – «Навбаҳор» – 0:1, «Дўстлик» – «Машъал» – 1:0, «Цементчи» – «Металлург» – 3:2, «Сурхон» – «Қизилқум» – 0:0

9-ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Нефтчи»	9	8	0	1	27-5	24
2. «Пахтакор»	8	7	1	0	22-4	22
3. «Қизилқум»	9	5	2	2	14-7	17
4. «Дўстлик»	9	5	2	2	12-13	17
5. «Насаф»	9	5	1	3	17-10	16
6. «Сурхон»	9	5	1	3	11-11	16
7. «Навбаҳор»	9	3	4	2	10-7	13
8. «Цементчи»	9	3	2	4	10-13	11
9. «Машъал»	9	3	1	5	12-8	10
10. «Бухоро»	9	3	1	5	14-14	10
11. «Андижон»	9	3	1	5	9-10	10
12. «Металлург»	9	3	1	5	13-19	10
13. «Самарқанд-Д»	8	3	0	5	11-12	9
14. «Трактор»	9	2	2	5	9-24	8
15. «Қўқон-1912»	9	2	0	7	8-22	6
16. «Гулистон»	9	1	1	7	5-23	4

Тадбир

Пойтахт вилоятининг Тошкент туманидаги 9-ўрта мактаб спорт мажмуида Турон яккакураши бўйича 1988-89 йилларда туғилган ўсмирлар ва қизлар ўртасида вилоят очиқ биринчилиги беллашувлари бўлиб ўтди. Мусобақада вилоятнинг Тошкент, Қибрай, Янгийўл, Зангиота, Бўка туманлари ёш спортчилари, шунингдек, Тошкент ва Чирчиқ шаҳар Олимпия захиралари коллежлари тарбияланувчилари иштирок этишди.

МЕЗБОНЛАР ҒОЛИБ

– Ўғил болалар саккиз, қизлар уч вазн тоифасида ғолиблик учун кураш олиб бордилар, – дейди мусобақа бош ҳаками Х.Хўжаев. – Қизиқарли ўтган беллашувларда мезбон жамоа вакилларига омад кулиб боқди. Улар умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритишди. Тошкент ва Чирчиқ шаҳарларидаги Республика Олимпия захиралари коллежлари ўқувчилари эса кейинги ўринларга муносиб кўрилди.

Дарҳақиқат, Тошкент туманилик ёш туронччилар – Улуғбек Мирсагатов (41 килограмм вазнда), Эрмат Худойназаров (50 килограмм), Маҳфуза Абдуллаева (37 килограмм), Шаҳноза Умарова (52 килограмм)лар ўз вазн тоифаларида ғолибликни қўлга киритиб, жамоаси ғалабасига катта ҳисса қўшдилар. Шунингдек, Жамолиддин Хўжаев, Баҳодир Юнусов, Жамшид Шодиев (Тошкент шаҳар РОЗК) ҳамда Акбар Икромов ва Элдор Аширматов (Чирчиқ шаҳар РОЗК) сингари ўсмир ёшлар ҳам мусобақа шоҳсупасидан жой эгаллашди.

Ғолиб ва совриндор спортчилар Тошкент вилояти касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти ҳамда Турон яккакураш Федерацияси томонидан тасдиқ этилган диплом, фахрий ёрлиқ, медал ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

О.КАМОЛОВ

БОКС БАЙРАМИ

Хўжайли туманида бокс бўйича собиқ иттифоқ спорт устаси Ўрозбой Уббиевнинг хотирасига бағишланган халқаро турнир ўтказилди.

Турнирда Ўзбекистон вилоятларидан, Тошкент шаҳридан, Қорақалпоғистон ва Туркманистон республикаларидан 1987-1990 йилларда туғилган ёш ўсмирлар қатнашди. Турнирда туркманистонлик А. Худойбергенов, ангренлик З. Зохуров, урганчлик У. Казаков, нукуслик Р. Аметов ва бошқалар пешқадам бўлди.

Турфа олам

АНА БУНИ ТЕЛЕСКОП ДЕСА БЎЛАДИ!

Техника тараққиёти юксалавергани сари кашфиётлар салмоғи ҳам ошмоқда. Шу кунгача инсон қўли билан яратилган техникавий мўъжизаларнинг саноғига етиб бўлмайди. Дунёдаги энг баланд бино, энг баланд телеминора, энг катта ҳаво кемаси... уларнинг охири йўқ.

Яқинда шундай мўъжизалар қаторига омма фойдаланиши учун тижорий мақсадда барпо этилган «дунёдаги энг баланд телескоп» қўшилди. Кунчиқар ўлка олимлари тинимсиз изланишлари натижасида бунинг уддасидан чиқди.

Телескопнинг оғирлиги бир тоннага яқин бўлиб, ойнасининг диаметри 2 метрга тенг. Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, бундай улкан телескоп орқали одамлар олис масофада жойлашган (сайёрамиздан қарийб 1,5 миллиард ёруғлик йили узоқлигида) коинот жисмларини ҳам бемалол кузатиши мумкин.

Ҳозирча бу телескоп дунёда ягона. Маълумотларга кўра, Саио шаҳридаги расадхонада жойлашган бу мўъжиза келаси йил мартда фойдаланишга топширилади.

Диаметри 2 метрлик телескоплар аслида фан учун унчалик катта янгилик эмас. Масалан, Гавайи оролларида японлар ясаган «Субару» русумли телескоп ойнасининг диаметри 8 метрга тенг. Бироқ ундан фақат олимлар фан тараққиёти учун фойдаланишади.

«ХОНДА-ИНСПАЙР» - ХАВФСИЗ МАШИНА

Япониянинг «Хонда» компанияси жаҳонда биринчи бўлиб автомобиллар тўқнашувининг олдини оладиган қурилма яратди.

Япония оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, мазкур қурилма июн ойида савдога чиқарилиши режалаштирилаётган янги «Хонда-инспайр» русумидаги машинага ўрнатилади.

Қурилмада махсус радар ўрнатилган бўлиб, юз метргача масофада ҳаракатланаётган автомобилларни аниқлайди. У эҳтимолдаги тўқнашув даражасини аниқлайдиган компьютер тизими билан жиҳозланган. Компьютер тўқнашув сабаблари, қарама-қарши келаётган автомобиллар ўртасидаги масофа ва ҳаракат йўналишини ҳам белгилайди.

Компьютер машиналар орасидаги масофа жуда яқин қолди ва тўқнашув эҳтимоли мавжуд, деб ҳисобласа, овоз чиқариб ҳайдовчини огоҳлантиради. Шунда ҳам машиналар орасидаги масофа қисқаришда давом этса, автомобилни тўхтатиш ҳақида буйруқ беради ва хавфсизлик камари ўз-ўзидан таранглашади. Агар қурилма ҳалокатни четлаб ўтиб бўлмайди, деган қарорга келса, ўриндиқни орқага суради ҳамда тўқнашув зарбини камайтириш учун машинани тормозлантиради.

(ЎзА)

Биласизми?

КИЧИК ВЕНЕЦИЯ

1499-1502 йилларда машҳур денгиз сайёҳи Америго де Веспучи ўз кемалари билан Янги дунё (Америка) қирғоқларига сузиб бораётганида Маракабо кўрфазига кириб қолади. Бу ердаги халқларнинг сваялар (қозиқлар) устига қурилган иморатлари сайёҳларни ҳайратда қолдиради.

Америго флоренциялик бир кишига юборган хатида «Бу ердаги қишлоқлар Венецияга ўхшайди, улар сувнинг лабгинасида жойлашган бўлиб, бири иккинчиси билан кўприк орқали алоқа қилади» деб ёзган эди.

Кўрфаз қирғоғидаги қишлоқларни Америго Венесуэла, яъни кичик Венеция деб атади. Натижада бутун мамлакат «Венесуэла» деб атала бошлади.

А.АЛИЕВ
тайёрлади

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 17449 Буюртма Г— 373. 123456